# Тошкент оқшоми

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 42 (8.932) * 1997 йил 11 апрель, жума * Сотувда эркин нархда


КЕЧА

## ШАҲАР ФАОЛЛАРИ ЙИҒИЛИШИ

**_Тошкент шаҳар фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳрини 1997 йилнинг биринчи чорагида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари кўриб чиқилди._**

Фаоллар йиғилишини Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов очди.

Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Рустам Шоабдураҳмонов ҳамда музокараларда сўзга чиққан нотиқлар Инсон манфаатлари йили, деб эълон қилинган 1997 йил вазифаларини муваффақиятли ҳал этиш учун ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, иқтисодиётни мустаҳкамлаш зарурлигини таъкидладилар.

Шаҳарда кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш жараёни давом этаяпти. Бугунги кунда Тошкентда давлатга қарашли бўлмаган секторда 14 мингтага яқин акциядорлик, ижара, жамоа ва хусусий корхоналар ишлаб турибди. Саноат маҳсулотлари умумий ҳажмининг 89,2 фоизи, пудрат ишларининг 81,8 фоизи, савдо товар оборотининг 89,1 фоизи, маиший хизмат ҳажмининг 83,1 фоизи улар ҳиссасига тўғри келади. Биргина шу йил бошидан шаҳарда 1583 та кичик ва хусусий корхона ташкил этилди.

Йилнинг биринчи чорагида саноат ишлаб чиқариш ҳажми 20,9 миллиард сўмликка яқинни ташкил этди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан саноат ишлаб чиқариш ҳажми 1,8 баробарга ўсди. Матбаа, тиббиёт, нефть ва нефть кимёси, озиқ-овқат, ун-ёрма саноати тармоқлари, «Тошкент машинасозлик корхонаси», «Алгоритм», «Сирғали», «Подъёмник», «Қизил тонг» ҳиссадорлик жамиятларида ўсиш суръатлари айниқса, юқори бўлди.

Йил бошидан буён шаҳар корхоналарида 12,2 миллиард сўмлик кенг истеъмол моллари ишлаб чиқарилди. Бу 1996 йилнинг шу даврига нисбатан 3,5 миллиард сўмлик кўпдир.

Йилнинг биринчи чорагида 9,1 миллиард сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди. 3,1 миллиард сўмлик асосий фондлар, 72,7 минг квадрат метр уй-жой, шу жумладан «Тошуйжойжамғармабанк» буюртмалари бўйича 14 минг квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилди. Эски шаҳарни қайта қуриш ва обод қилиш мақсадида 873 миллион сўмлик маблағ ўзлаштирилди.

Жаҳондаги етакчи фирма ва компаниялар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик янада кенгайиб ва чуқурлашиб бормоқда. Ишлаб чиқаришни техника жиҳатидан қайта қуроллантириш, рақобатбардош ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун тобора кўпроқ хорижий сармоялар жалб этилмоқда. Икки қаторли пахта териш машиналари ва дон комбайнлари ишлаб чиқариш бўйича «Ўзкейс» қўшма корхонаси ташкил этилди. «Тошкент трактор заводи» акциядорлик жамиятида Американинг «Кейс» компанияси билан ҳамкорликда чопиқ тракторлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат ҳиссадорлик жамияти жаҳонда машҳур «Боинг» компанияси билан ҳамкорликни йўлга қўймоқда. Тошкент чинни заводи негизида Германия фирмаси билан биргаликда юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Шу билан бир қаторда фаоллар йиғилишида ислоҳотларни ўтказишда ҳали жиддий камчилик ва нуқсонлар мавжудлиги ҳам айтилди. Шаҳардаги 130 та корхона маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини камайтириб юборди. Қатор корхоналарда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш камаяётганлиги ачинарли ҳолдир. Баъзи хўжалик раҳбарларининг қимматбаҳо маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга интилишларини асло оқлаб бўлмайди. Айни пайтда ҳали кўпгина корхоналар янги иқтисодий шароитларда ишлашга ўргана олмаяптилар. Уларнинг маҳсулотлари жаҳон бозоридагина эмас, ҳатто ички бозорда ҳам рақобатбардош эмас. Шу сабабли омборларда кўплаб миллион сўмлик маҳсулот чанг босиб ётибди. Қурилиш ташкилотлари иншоотлари пул билан тўла таъминланганлигига қарамасдан уларни белгиланган муддатда фойдаланишга топшира олмаяптилар. Бунинг оқибатида уларнинг таннархи қимматлашиб кетмоқда. Савдо, коммунал хўжалик соҳасида камчиликлар жуда кўп. Уларнинг иши аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Инсон манфаатлари йили вазифалари янада самаралироқ меҳнат қилишни тақозо этмоқда. Ислоҳотлар чуқурлаштирилиши ва жадаллаштирилиши жуда муҳимдир. Янги кичик ва хусусий корхоналар, шу жумладан хорижий сармоялар жалб этилган корхоналар ташкил этиш ҳисобига шаҳарда янги иш ўринлари яратилиши зарур. Ижтимоий соҳа моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш талаб этилади.

Фаоллар йиғилишида «Ўзистиқболстат» раиси Рем Гиниатулин сўзга чиқди.

Фаоллар йиғилишида муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

ЯНГИЛИКЛАР ВОҚЕАЛАР ХАБАРЛАР

Ислоҳотлар

## УЙ-ЖОЙ ХЎЖАЛИГИДА ТАЖРИБА

КЕЧА

**_Сергели туман ҳокимлигида уй-жой коммунал хўжалигида ўтказилиши мўлжалланаётган тажрибага бағишланган кенгаш бўлиб ўтди. Унга шаҳар хизматлари, Сергели туманининг уй-жойлардан фойдаланиш бўйича ижара корхоналари раҳбарлари, шунингдек, Тошкент вилояти уй-жой коммунал хўжалиги раҳбарлари таклиф қилиндилар._**

Кенгашни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, молия вазири Бахтиёр Ҳамидов олиб борди.

Сергели тумани уй-жой коммунал хўжалигида ўтказилиши мўлжалланаётган тажриба моҳияти бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқади. Бу ерда сув, газ ва иссиқликдан тежаб-тергаб фойдаланиш ҳисобига коммунал хизматлари учун сарф-харажатларни камайтириш, айни пайтда уй-жойлардан фойдаланишни тубдан яхшилаш кўзда тутилаяпти.

Бунинг учун тажриба ўтказиладиган биринчи босқичда тумандаги ҳар бир уй-жой биносида ишлатилган сув, газ ва иссиқликни аниқ ҳисоблаб борадиган ҳисоблагичлар ўрнатилади. Кейинчалик бундай ҳисоблагичлар бу бинолардаги ҳар бир хонадонда ҳам ўрнатилиши керак бўлади.

Шу билан бир қаторда туман уй-жой коммунал хизматларига ходимлар сони, уларга пировард иш натижаларига мувофиқ ҳақ тўлашда катта мустақиллик берилади. Бу хизматларнинг моддий-техника базаси ҳам тубдан мустаҳкамланади.

Аҳоли томонидан ишлатилаётган сув, газ ва иссиқликни аниқ ҳисобга олиш юзасидан бундай тажрибани хусусий иморатлар бўлган мавзеларда ҳам ўтказиш кўзда тутилган. Жумладан, «Ўрикзор» мавзесида газ ва сув ҳисоблагичлари ўрнатиш режаланмоқда.

Ушбу масалада тегишли тажриба тўплангандан сўнг бу янгилик пойтахтнинг бошқа туманлари уй-жой коммунал хўжаликларида ҳам қўлланиладиган бўлади.

Кенгаш ишида Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов иштирок этди.

## ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАР МЕЪЁРЛАРИ

**_Тошкент давлат юридик институтида Инсон ҳуқуқлари ва гуманитар ҳуқуқни ўрганиш маркази томонидан ташкил этилган «Конституция ва инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунчилик» мавзусидаги илмий-амалий семинар бўлиб ўтди._**

Унинг Инсон манфаатлари йилида ўтказилаётганлиги эътиборлидир.

Семинар мавзуси доирасида кўтарилган масалалар ўзининг ҳам илмий, ҳам амалий аҳамияти долзарблиги билан ажралиб туради. Маълумки, сўнгги йилларда республикамизда қонунчилик фаолияти жараёни жадал кечмоқда. Юртимизнинг ҳуқуқий истиқболини белгиловчи ҳужжат — Ўзбекистон Конституцияси, Меҳнат, фуқаролик, жиноят Кодекслари қабул қилинди, қонунлар янгиланмоқда, умуман мустақил Ўзбекистон ривожланишининг ҳуқуқий асослари такомиллаштирилмоқда ва бойитилмоқда.

Семинар иштирокчилари диққат марказида амалдаги қонунлар ижроси бўлиб, ҳуқуқни муҳофаза этувчи ташкилотларнинг кундалик фаолиятида учраётган муаммолар таҳлил этилди.

*Дилмурод ИСЛОМОВ.*



*«Саноаталоқа» ҳиссадорлик жамиятининг механика цехида кўп йиллардан буён ишлаб келаётган Наил Нафиковнинг алоҳида ўрни бор. У кўпроқ телефон-автомат станциялари учун деталлар тайёрлаб беради.*

*СУРАТДА: Наил Нафиков. Рашид Галиев олган сурат.*

«Ўзбекистон — Ватаним маним»

## ИЛҲОМ ЧАШМАЛАРИ

**_Ҳамза номли ўзбек давлат Академик драма театрида Шайхонтоҳур тумани халқ истеъдодлари «Қўшиқ байрами» кўрик-танловининг якунловчи концерти бўлиб ўтди._**

«Ўзбекистон — «Ватаним маним» шиори остида ўтказилган ушбу танловда турли ёшдаги қўшиқ ихлосмандлари, профессионал давлат театрлари, халқ ашула ва рақс ансамбллари, бадиий ҳаваскорлик дасталарининг созанда, яккахон хонандалари, хор жамоалари, вокал дасталар иштирок этишди.

Кўрик-танловда Шайхонтоҳур туманидаги болалар ва ўсмирлар ижодиёти ходими Аҳатилла Сайфуллаев оилавий ансамблининг яккахон хонандаси, С. Айний номли 84-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Жамолхон Сайфуллаев «Истиқлол» қўшиғи билан қатнашиб, 1-ўринни эгаллади ва машҳур чолғу-асбоблари усталари томонидан ясалган доира ва дутор билан мукофотланди. Шунингдек, «Дилрабо» халқ ансамблининг хонандаси Ҳуррият Суярова, 76-мактаб қошидаги қизлар хор жамоаси иккинчи, Дилдора Ниёзова ҳамда 3-Маданият уйи хонандаси Ҳусниддин Муҳиддиновлар учинчи ўринни эгаллашди.

Кўрик-танлов якунида туман ҳокимининг ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитасининг раиси Саида Жалилова энг яхши ижрочиларга махсус ҳакамлар ҳайъати томонидан таъсис этилган қимматбаҳо совғалар, фахрий дипломларни топширди.

Танловдан сўнг кўрик қатнашчилари ва ғолиблари билан суҳбатлашдик.

Рамзиддин ҚОДИРОВ, туман маданият ишлари бўлими мудири: — Ёшларимиз ичида талантли ижрочилар, истеъдодлар жуда кўп. Уларни аниқлаш мақсадида туман бўйича мактабларaро «Илҳом чашмалари» кўрик-танловини ўтказдик. Якунловчи турда иштирок этиш ҳуқуқига 14 ёш истеъдод соҳиблари эга бўлди. Очиғи, байрамнинг бундай кенгайиб кетишини кутмаган эдик. Натижа биз ўйлагандан ҳам ортиқ бўлди. Танлов ғолиблари Тошкент шаҳар кўрик-танловида иштирок этадилар.

Шерзод ПИРМАТОВ, Тошкент давлат Санъат институти доценти, кўрик-танлов ҳайъати раиси:

— Кўрикда туманимизнинг 6 яшаридан 60 ёшгача бўлган санъат шайдолари иштирок этиб, барчани мамнун этди. Айниқса, мактаб ўқувчиларининг бу байрамда фаол қатнашишлари бизга жуда маъқул бўлди.

Жамолхон САЙФУЛЛАЕВ, 84-мактаб ўқувчиси, кўрик-танлов ғолиби:

— Қўшиқ айтишни жуда севаман, айниқса, ўзбек халқ қўшиқларини ижро этиш жону дилим. Мендаги санъатга бўлган қизиқишни уйғотишда отам Аҳатилла Сайфуллаевнинг хизматлари катта. Бир неча йилдирки мусиқа мактабида билим олиб, қўшиқ айтиш сирларини ўрганаяпман.

Шундай кўрик-танловлар шаҳримизнинг барча туманларида бўлиб ўтаяпти.

*Малоҳат РЎЗИБОЕВА.*

## БУГУНГИ КУН НАФАСИ

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Германия Бундестаги вице-президенти Бурк Хард Хирш раҳбарлигидаги делегация аъзолари Бош вазир ўринбосари Бахтиёр Ҳамидов билан учрашдилар, Бухорони зиёрат қилдилар.

● Олий Мажлиснинг фуқароларни ҳуқуқий тарбиялашни тубдан яхшилаш масалалари бўйича махсус ишчи гуруҳининг навбатдаги мажлисида аҳолини ҳуқуқий тарбиялашни тубдан яхшилашга доир вазифалар қандай бажарилаётгани муҳокама қилинди.

● Кеча Олий Мажлиснинг жамиятни янада демократлаштириш шароитида оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш масалаларига бағишланган тадбирларни амалга оширувчи ишчи гуруҳининг ҳам йиғилиши бўлиб ўтди.

● Республика хотин-қизлар қўмитаси Муқимий номли театр ижодий жамоаси билан бирга аёллар учун Наврўзга бағишланган байрам кечаси уюштирдилар.

● Тошкент жаҳон тиллари давлат университети ҳузурида Япония маркази иш бошлади.

● Наманганда йилнинг ҳар чорагида «Наманган тонги» ярмаркасини ўтказиб туришга қарор қилинди. Унда вилоят корхона ва хўжаликларида ишлаб чиқарилган ва етиштирилган маҳсулотлар сотилади.

### ҲАМДЎСТЛИКДА

● Президент Нурсултон Назарбоев мамлакатнинг янги пойтахти — Оқмола шаҳрини Қозоғистон деб аташ тўғрисида таклиф киритди. Ҳозир бу ерда шу йил кузда Алматидан кўчиб ўтадиган ҳукумат идоралари учун маъмурий бинолар жадал барпо этилмоқда. Қозоғистонга расмий ташриф билан келган Қирғизистон Президенти Асқар Акаев Нурсултон Назарбоев билан янги пойтахтда бунёд этиладиган Қирғизистон элчихонаси биноси пойдевори ўрнатилиши тантанали маросимида иштирок этди.

● Бугун Кишиневда Россия ташқи ишлар вазири Евгений Примаков иштирокида Молдова маъмурлари билан унинг таркибидаги, ўзини Днестрбўйи республикаси, деб атаган мухторият раҳбарияти ўртасида музокаралар ўтказилади. Томонлар Молдова давлати яхлитлиги юзасидан тайёрланган ҳужжат лойиҳасига рози бўлсалар, кейинчалик уни Москвада имзолаш мўлжалланмоқда.

● Россия федерал маъмурлари Қозоғистондаги Бойқўнғир космодроми мутахассисларини Россия ҳудудига кўчириш учун 200 миллиард рубль ажратди. Шу ҳисобга Саратов ва бошқа шаҳарларда космодром мутахассислари учун уй-жойлар барпо этишга киришилди.

● Тожикистоннинг Хўжанд шаҳрида ижодкор зиёлилар, ўқитувчилар, шифокорлар, илм-фан намояндалари Марказий Осиё халқлари маданияти ассамблеясини ташкил этдилар.

● Украинада коррупцияга қарши кураш миллий дастурининг лойиҳаси тайёрланди.

### ХОРИЖДА

● Ўтган куни Теҳронда Тожикистон маъмурлари ва Бирлашган тожик мухолифатчилари ўртасида бошланиши режаланган музокараларнинг еттинчи босқичи кечиктирилди. Бирлашган тожик мухолифатчилари делегацияси раҳбари Тўранзода берган баёнотига кўра, бунга Москвада тожик мухолифатчиларидан 11 кишининг терроризмда айбланиб ҳибсга олиниши сабаб бўлган. Россия ташқи ишлар вазирлигининг расмий вакили эса мухолифатчилар вакиллари ҳибсга олинишининг музокараларга мутлақо алоқаси йўқ, деган маънода баёнот берди.

● Узоқ вақтдан буён Зоирда давом этаётган танглик ҳал қилувчи паллага кирди. Ўзини мамлакатни озод қилиш демократик кучлари уюшмаси, деб номлаётган исёнкорлар Зоирда катталиги бўйича пойтахтдан сўнг иккинчи ўринда турадиган Лубумбаши шаҳрини қўлга олдилар. Ҳозир улар мамлакат ҳудудининг ярмидан кўпроғини назорат қилиб турибдилар. Исёнчилар етакчиси Лоран-Дезире Кабила Зоир Президенти Мобуту Сесе Секога уч кун муддат ичида истеъфога чиқиш қатъий талабини қўйди.

● 1989 йилдан сўнг илк бор Ҳиндистон ва Покистон ташқи ишлар вазирлари Деҳлида музокаралар ўтказдилар. Бу учрашувда ҳар икки томондан қўлга олинган балиқчиларни озод этиш тўғрисидагина бир битимга келинганига қарамасдан кескин мухолифатда бўлган икки давлат ташқи ишлар маҳкамалари раҳбарларининг музокаралари улар ўртасидаги муносабатларнинг яхшиланаётганлигидан дарак беради.

● Латвия Президенти Гунтис Улманиснинг Туркияга расмий ташрифи доирасида икки мамлакат ўртасида, жумладан, ҳарбий соҳада ҳам ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битим имзоланди. Туркия Қуролли кучлари Бош штаби бошлиғи Исмоил Хакки Қарадай бу ҳамкорлик бирон бир учинчи давлатга қарши қаратилмаганлигини алоҳида таъкидлади.

● Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасининг раиси Собиржон Рўзиев Швейцариянинг Лозанна шаҳрида Халқаро Олимпия Қўмитаси президенти Хуан Антонио Самаранч билан учрашди. Ўзаро музокаралар натижасида Халқаро Олимпия Қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Олимпия шоншуҳрати музейлари ўртасида ҳамкорлик қилишга келишилди. Халқаро Олимпия Қўмитаси, шунингдек, Ўзбекистоннинг энг истеъдодли 12 нафар спортчисига стипендия ажратадиган бўлди.

Анжуманлар

## ТИЛШУНОСЛАРНИНГ ТЎРТИНЧИ ЙИҒИЛИШИ

Бугун

**_«Туркистон» саройида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, республика таълим маркази, шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ташаббуси билан ўтказиб туриладиган анъанавий «Ўзбек тили» анжуманининг тўртинчи йиғилиши бошланди._**

Ҳар икки йилда бир марта бўладиган бу анжуманнинг авалгилари Самарқанд, Қарши ва Жиззах шаҳарларида ўтказилган эди. Пойтахтимизда ўтадиган навбатдаги йиғилишга «Таълим жараёнида матн устида ишлашнинг асосий омиллари» мавзуси олинган. Унда таълимнинг барча босқичи, хусусан мактабгача тарбия, мактаб, ўрта махсус таълим ҳамда олий таълим муассасаларининг ўзбек тили ўқитувчилари иштирок этишмоқда. Анжуманда саккизта шўъба иш олиб бораётир.

Бундай тадбирни ўтказишдан кўзланган мақсад таълим муассасаларида ўзбек тилини ўқитишни яхшилаш ва такомиллаштириш бўлиб, турли вилоятлардан келган тилшунослар ўз тадқиқотлари юзасидан маърузалар қилмоқдалар. Шунингдек анжуман давомида тилшуносликда ҳозирги мавжуд муаммоларни ҳал этиш юзасидан таклиф ва мулоҳазалар билдирилади. Кейинчалик ушбу тадбир хулосаларидан ўзбек тили ўқитувчиларига тавсиялар берилади, тилшуносликка оид дарслик ва қўлланмалар чоп этишда фойдаланилади.

*Малик РАҲМОНОВ.*

Адабиёт

## НАСР ҲАҚИДА БАҲС

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида сўнгги йилларда яратилган насримиз ҳақида фикрлашув бўлиб ўтди. Ижодий мунозарани Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров бошқарди.

Адабий жараёнда пайдо бўлган янги ҳикоя, хотира, қисса ва романлар тўғрисида филология фанлари доктори, профессор Умарали Норматов ўзининг фикрлари билан ўртоқлашди. Шундан сўнг атоқли адабиётшунос олим Матёқуб Қўшчонов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад, қашқадарёлик ижодкор Неъмат Арслонов, истеъдодли ёзувчи Аббос Саидовлар насримизда пайдо бўлаётган янги бадиий асарлар кенг китобхонларни мамнун этаётгани, инсон тафаккурини ўстиришга, мустақил давлатимизнинг истиқболи учун хизмат қила олишга муносиблигини айтиб ўтишди. Айниқса Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад сўнгги йилларда яратган бадиаларида Ойбек, Ғафур Ғулом, Миртемир, Мақсуд Шайхзода, Саида Зуннунова каби ўлмас сиймоларимизнинг бизга номаълум бўлган қирраларини тўлақонли очиб бераётганлиги қайта-қайта мамнунлик билан таъкидланди.

Мунозарага бой бўлган бу фикрлашувда таниқли ёзувчиларимиздан Ўзбекистон халқ ёзувчиси Неъмат Аминов ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Омон Мухторларнинг асарлари Абдулла Қодирий номли Республика Давлат мукофотига тавсия этилгани ҳам таъкидланди.

*Омон САЙДАМИНОВ.*

Футбол

## ЭНДИ ҒАЛАБА КЕРАК!

Олий лиганинг 6-тур бўйича асосий учрашуви — «Пахтакор» — «Навбаҳор» беллашувини мухлислар орзиқиб кутган эдилар. Буни «Пахтакор» марказий стадионининг лиқ тўлганлиги ҳам исботлади.

Мухлислар ўртасида жамоаларнинг имкониятлари, бўлажак натижалар ҳақида баҳс ва башоратлар кучайганди. Айтиш керакки, бунда «Пахтакор»га кўпроқ ишонч билдирилди. Аммо биринчи таймнинг бошларидаёқ меҳмонлардан Шацких ва Абдуқодировларнинг «Пахтакор» дарвозасига йўллаган тўплари чемпионнинг қудрати сўнмаганлигини кўрсатди. Майдон эгалари ҳам маҳорат билан тўп сурдилар. Биринчи бўлим тугашига оз қолганда Азамат Абдураимов 11 метрлик жаримадан «Навбаҳор» дарвозасига тўп киритиб, фарқни қисқартирди.

Иккинчи таймда майдон эгалари ҳужумкорликни янада кучайтирдилар. Ниҳоят, 80-дақиқада пахтакорчи Станислав Моргулис навбатдаги гол билан ҳисобни тенглаштирди. Шундай қилиб, — жанговар дуранг — 2:2. Бу натижа жамоаларнинг турнир жадвалидаги ўрнида қандай ўзгариш ясади? МҲСК 6 ўйинда мағлубият ва дурангсиз 18 очко жамғариб, пешқадамликни қўлга киритди. «Нефтчи» сўнгги ўйинларда йирик ҳисобдаги тўплар нисбати билан иккинчи поғонага кўтарилди. «Пахтакор» учинчи ўринга тушди. Энди отни қамчилаш керак!

Ушбу учрашувдаги танаффус чоғида ўтказилган лотерея ўйинида кўплаб омадли ишқибозлар қимматбаҳо ютуқ эгалари бўлдилар. Қибрайлик Бозорбой Қодиров ва янгийўллик Каримберди Иноғомовлар ушбу ўйиндан лотереяда ютган «Тико» машиналарида қайтдилар.

*Бахтиёр ҲАЙДАРОВ.*

Теннис

## АНЪАНАВИЙ ЎСМИРЛАР ТУРНИРИ

18 ёшгача ўсмирлар ўртасида анъанавий Тошкент халқаро турнири қизғин паллага кирмоқда. Ўзбекистон Мудофаа вазирлигининг спорт мажмуи — МҲСК теннис кортларида 17-марта ўтаётган бу турнирда Осиё ва Европадаги 13 мамлакатдан 92 нафар вакиллар қатнашмоқдалар.

Бундан бир ҳафта бурун ушбу мусобақа қатнашчилари Наманганда ўтказилган ёшлар турнирида ҳам иштирок этган эдилар. Қизлар ўртасидаги жуфтлик баҳсларида МҲСК вакиллари, тошкентлик опа-сингиллар Лилия ва Луиза Биктяковалар ғолиб чиқишди. Якка беллашув финалида кортга яна шу опа-сингиллар тушдилар. Унда Лилия ўз тажриба ва маҳоратини намойиш этди. Ўғил болалар ўртасидаги баҳсларда яккаликда Максим Белский (Белорус), жуфтликда эса Евгений Царев (Литва) ва Евгений Григорьев (Молдова)лар пешқадамлик қилишяпти.

Тошкент халқаро ўсмирлар турнири якшанба куни ниҳоясига етади.

*Беҳзод ЭГАМОВ.*

